
БЕШАРИҚ ТУМАНИ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНАДИ

Айни кунларда Бешариқ туман марказидан 35 километр олисда жойлашган Шодақозик массивининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган қум барханлари ўрнида 80 гектар ерда тут плантацияси ташкил этиляпти. Туман ҳокимлиги, “Бешариқ ипаги” МЧЖ пиллачилик кластери ҳамда фермер хўжаликлари ташаббуси билан 500 минг туп тут кўчатлари экилиб, касаначилик асосида 1000 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Тадбиркор Қаҳрамон Абдуллаев томонидан Шодақозик массивининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларида йилқичилик, балиқчилик, доривор гиёҳлаар етиштириш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳам эътиборга сазовор.

- Ҳозирча 40 гектар ерда қизилмия доривор ўсимлиги етиштиришни йўлга қўйганмиз,- дейди тадбиркор. – Яқин истиқболда 500 гектар ерда қизилмия етиштириб, ушбу лойиҳа доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиш, Хитой, Корея Республикаси, Украина, Европа давлатларига мазкур доривор гиёҳни етказиб беришни мақсад қилганмиз.

Тадбиркор 30 гектар ерда сунъий балиқ кўли ташкил этиб, балиқ маҳсулотларини дудлаш орқали хорижга экспорт қилиш ниятида. Шу мақсадда хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Йилқичиликни ривожлантириш учун Қирғизистондан 50 бош от олиб келиниб, шу ернинг ўзида наслчилик хўжалиги ташкил этилди.

“Аъло-5” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Эҳсонбоев АТ “Халқ банки”нинг Бешариқ тумани филиалидан олинган 1 миллиард 758 миллион сўм кредит эвазига яқинда Германиядан 70 бош насли қорамол олиб келди. Ёш фермер ўз маблағи ҳисобига 125 ўринли чорвачилик комплекси қуриб, айни пайтда гўшт-сут йўналишида 100 бош қорамол парваришляпти. Яқин истиқболда бу ерда сутни қайта ишлаш корхонасини фойдаланишга топшириш эвазига янада 30 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-22 14:18:57